



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRINING

B U Y R U G'I

2023 yil "21" февраль

№ 37

Toshkent sh.

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023–2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон қарорида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдамини ташкиллаштиришнинг вертикал бошқарув тизими тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказининг низоми 3-иловага мувофиқ;

туберкулез касаллигининг ривожланишига мойиллиги бўлган 0-18 ёшли болалардан иборат бўлган хавфли гуруҳ жадвали 4-иловаларга мувофиқ;

18 ёшдан юқори бўлган аҳоли орасида туберкулез касаллигининг ривожланишига мойиллиги бўлган шахслардан иборат бўлган хавфли гуруҳ жадвали 5-иловага мувофиқ;

“Бронхиал астма билан касалланган bemorlar maktabi” ва “Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган bemorlar maktabi” саломатлик мактаблари фаолияти ҳақида низом 6-иловага мувофиқ;

“Бронхиал астма билан касалланган беморлар мактаби” ва “Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморлар мактаби” саломатлик мактабларини жиҳозлаш стандарти 7-иловага мувофиқ;

Бирламчи тиббий ёрдам тизимида ўпка патологиясининг клиниколди шаклларини эрта аниқлаш учун скрининг сўровномалар дастури 8-иловага мувофиқ;

туберкулёз билан касалланиш хавф гуруҳига мансуб шахслар (ўсмирлар ва катталар) рентгенологик текширувдан ҳамда болалар иммунологик текширувдан ўтказиш тартиби 9-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази директори (Н. Парпиева):

фтизиатрия ва пульмонология соҳаларида фаолият юритаётган давлат тиббиёт муассасалари, шу жумладан уларнинг бўлинмаларининг иш ҳажми ва мавжуд эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, шифо ўринларини қайта тақсимлаш борасида ҳамда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган пульмонология ёрдамининг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини ишлаб чиқиш учун ишчи гуруҳларини шакллантирсан;

2023 йилнинг 31 марта қадар 2023-2026 йиллар давомида фтизиатрия ва пульмонология соҳасида фаолият кўрсатаётган муассасаларнинг шифо ўринларини босқичма-босқич қайта тақсимлаш режасини тасдиқлаш учун вазирликка тақдим этсан;

бир ҳафта муддатда Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази (кейинги ўринларда – Марказ)нинг низоми белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

2023 йил март ойига қадар “Аҳоли орасида латент туберкулёз инфекциясини эрта ташхислаш”, “Ўпка патологиясининг клиниколди шаклларини эрта аниқлаш” мавзусида малака ошириш дастурини ишлаб чиқсан;

бирламчи тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўтказилган ўпка патологиясининг клиниколди шаклларини эрта аниқлаш мақсадида ўпканинг сурункали обструктив касалликларини клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун қўлланиладиган ҳамда Бронхиал астма касаллигини клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун қўлланиладиган сўровномалари натижалари ҳамда эпидемиологик вазиятдан келиб чиқсан

холда вилоятлар кесимида пульмонологик ва ташхислаш ўринларга бўлган эҳтиёж асосида асослантирилган талабни аниқласин;

ҳар йили худудларда жойларга чиққан ҳолда ва масофавий семинарлар ўtkазиш жадвалини ишлаб чиқсин, тасдиқласин ва жадвал асосида семинарлар ўтказсин;

2023 йил март ойидан бошлаб ҳар йили худудий муассасаларнинг йиллик таҳлили натижалари асосида фтизиатрия ва пульмонология йўналишлари бўйича клиник ординаторларга бўлган эҳтиёжни таҳлил қилсин;

Марказ хузурида мавжуд шифо ўринлари ва штат бирликлари доирасида респиратор касалликлар бўйича замонавий йўналишларни ҳисобга олган ҳолда фундаментал ва амалий инновацион тадқиқотларни ўзида мужассамлаштирган Шокир Алимов номидаги илмий мактаб ташкил этиш чораларини кўриш, ушбу мактаб фаолиятини олиб борувчи гурӯхни ташкиллаштириш ва фаолият тартибини белгилаш, 2023 йил учун мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш вазифалари юклатилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқлари:

худудий фтизиатрия ва пульмонология марказлари ҳамда туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари қошида бронхиал астма билан касалланган беморлар учун “Астма мактаби”ни ва “Сурункали обструктив ўпка касалликлари мактаби”ни ташкил этиш;

туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникалар таркибидаги фтизиатрия бўлимлари ва хоналари негизида мавжуд фтизиатр ва пульмонолог штат бирликлари доирасида уларни фтизиопульмонология бўлимларига ва фтизиопульмонология диспансерларига ўзгариши;

вилоятлардаги кўп тармоқли тиббиёт марказларида фаолият юритаётган бош пульмонолог штатларини мавжуд шифо ўрин фондини қолдирган ҳолда белгиланган тартибда худуддаги фтизиатрия ва пульмонология марказларига ўтказиш;

бирламчи тиббий ёрдам тизимида аҳоли орасида ўпка патологиясининг клиниколди шаклларини эрта аниқлаш мақсадида ўпканинг сурункали обструктив касалликларини клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун қўлланиладиган ҳамда Бронхиал астма касаллигини клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун қўлланиладиган сўровномалар асосида оммавий сўровномалар ўтказишни ташкил қилиш;

ҳар йилнинг 1 февралига қадар хавфли гурух таркиби янгиланган рўйхатини шакллантириш ва туман тиббиёт бирлашма бош шифокори томонидан тасдиқлаш чораларини кўрсин.

4. Марказ директори (Н. Парпиева):

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази (Х. Акилов) билан биргаликда фтизиатрия ва пульмонология йўналишлари бўйича тор доирадаги мутахассисларни тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш бўйича сертификатланган ўқув курсларини йўлга қўйган ҳолда, мутахассисларни Марказда ўқитиш ва бир ойлик муддат давомида худудий тиббиёт муассасаларида амалиёт ўташини ташкил этсин;

Иқтидорли ва малакали тиббиёт мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббиёт муассасаларига жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан танлов асосида саралаб олинган 40 нафаргача фтизиатр ва пульмонологларни 2023–2026 йиллар давомида нуфузли хорижий тиббиёт марказларида малака оширишга юбориш чораларини кўрсин;

дам олиш пайтидаги тунги уйқу сифатини ва нафас олиш функциясини баҳолаш бўйича республика миқёсида изланишлар ўтказсин;

2023 йил май ойида халқаро ташкилотлар, етакчи илмий хорижий марказлар ва шифохоналар билан шартнома ва меморандумларни имзоласин;

фтизиатрия ва пульмонология йўналишида илмий-амалий изланишлар орқали олинган юқори натижаларни ҳисобга олган ҳолда, Марказ қошида илмий даражаларни берувчи Илмий кенгаш ташкил қилиш бўйича белгиланган тартибда таклиф киритсин;

тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда:

илмий-тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат буюртмасини шакллантиришда туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган лойиҳалар танловини эълон қиласин;

туберкулёз ва ўпканинг носпецифик касалликлари олдини олиш, ташхислаш ва даволашга қаратилган илмий ишлар диссертация ҳимоясигача Марказнинг тегишли мавзудаги тақризи олиниши чораларини кўрсин;

мазкур буйруқ бандлари ижроси бўйича маълумотларни белгиланган муддатларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва таълим бошқармасига тасдиқловчи ҳужжатлари билан тақдим этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари У. Сабиров зиммасига юклансин.


Вазир



А.Иноятов

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни саклаш вазирининг
2023 йил “21” феврал даги
“37”-сонли буйргуга
1-илова

Ўзбекистон Республикаси ахолисига ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология ёрдамининг вертикал бошқарув тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси

соғлини сақлаш вазирининг
2023 йил “24” сарфоҳ даги

“24”-сонли буйруғига
2-илова

Республика ихтисослаштирилган физиатрия ва пульмонология илмий-амалий тибиёт марказининг ташкилий тузилмаси
(жами ўринлар сони 500 та, шундан 120 та хўжалик хисобидан)



Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил “21” феврал даги
“27”-сонли буйруғига
3-илова

**“Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва
пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази”**

НИЗОМИ

1. Умумий қоидалар

1.1. Ушбу Устав “Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази” Давлат муассасининг (кейинги ўринларда “Марказ” деб аталади) фаолиятини ташкил этиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказнинг муассиси ҳисобланади (кейинги ўринларда “Муассис” деб юритилади).

Марказ унга бошқариш учун берилган давлат мулки бўлган мол-мулк негизида ташкил этилган давлат муассасаси ҳисобланади. Марказ ўзига бириктирилган мол-мулкка нисбатан қонунда белгиланган доирада ўз фаолиятидаги мақсадларига ва муассиснинг топшириқларига мувофиқ эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хуқуқини амалга оширади.

1.2. Марказ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ахолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2023 - 2026 йилларда фтизиатрия ва пульмонология хизматини янада ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 20 январдаги ПҚ-12-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказининг Намунавий Уставини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 14 октябрдаги 826-сон қарори асосида республика даволаш-профилактика муассасаси негизида ўз фаолияти йўналиши бўйича даволаш-профилактика ва илмий-услубий фаолият олиб борувчи, ҳамда ахолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи мустақил давлат тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилади ва республика фтизиатрия ва пульмонология тизимининг бош муассасаси ҳисобланади.

1.3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқларига, бошка норматив-хукуқий хужжатларга ва ушбу Уставга амал қиласи.

1.4. Марказ давлат муассасаси шаклида ташкил этилади, юридик мақомга эга бўлган республика фтизиатрия ва пульмонология тизимининг бош муассасаси ҳисобланади. Марказ ўзининг мустақил балансига ва алоҳида мол-мулкига эга, белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси худудидаги банкларда миллий сўмдаги ва валюта ҳисоб рақамларини, шахсий ғазна ҳисоб рақамларини очади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган, ўзининг номи давлат тилида ёзилган юмалоқ муҳрига ва бурчак тамғасига, бланкаларига эга бўлади, шунингдек, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий хукукларга эга бўлади, ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни мустақил бажаради, судда мустақил тарзда даъвогар ва жавобгар бўлади.

1.5. Марказнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи:

а) давлат тилида – “*Respublika ixtisoslashtirilgan ftiziatriya va pulmonologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi*” Davlat muassasasi.

қисқартирилган номи – “RIFvaPIATM” DM.

б) рус тилида – Государственное учреждение “Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр фтизиатрии и пульмонологии”;

қисқартирилган номи – ГУ “РСНПМЦФиП”;

в) инглиз тилида – State Institution «Republican Specialized Scientific-Practical Medical Center of Phthisiatry and Pulmonology»;

қисқартирилган номи – SI "RSSPMCPH".

1.6. Марказ ўз номидан қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда мулкий ва шахсий номулкий хукуқларга эга бўлиши ва уларни амалга ошириши, мажбуриятлар олиши мумкин. Марказ ўзининг мажбуриятлари бўйича учинчи шахслар олдида мустақил жавоб беради.

1.7. Марказнинг почта манзили: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Мажлисий кўчаси, 1- уй, индекс: 100086;

1.8. Марказ фтизиатрия ва пульмонология йўналиши бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади, шунингдек, ўз ихтисослиги йўналишида тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича клиник ҳамда ўқув базаси ҳисобланади.

1.9. Марказ Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига бўйсунади.

2. Марказнинг асосий мақсадлари, вазифалари ва функциялари

2.1. Қўйидагилар Марказни ташкил этиш ва унинг фаолияти мақсадлари ҳисобланади:

юқори малакали ва юқори сифатли ҳамда ҳозирги замон халқаро талабларига мос келадиган ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган юқори технологик моддий ва илмий базани, шунингдек, ушбу йўналишдаги мактабни шакллантириш;

ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва касалликларнинг олдини олишда ахолининг юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга бўлган талабини қондириш.

2.2. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) қўйидаги ахолига ўз ихтисослиги бўйича юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг бўйруклари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу кичик банднинг иккинчи хатбошида кўрсатилган шахслар мустасно), шунингдек, чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли асосда;

б) мавжуд тиббиёт техникалари паркининг доимий равишида янгиланиб борилишини ва модернизация қилинишини таъминлаш, Марказни ўз ихтисослиги

бўйича ҳозирги замон ҳалқаро талабларига мос келадиган юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш имконини берадиган замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш;

в) Марказ фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий техник ресурсларни жалб қилиш бўйича менежмент ҳамда маркетинг ишларини ташкил этиш;

г) Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт (таълими) муассасаларида ва клиникаларида ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуллари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий тарзда ошириб бориш ва такомиллаштириш;

д) ўз мутахассисликлари бўйича касалликларнинг олдини олиш, уларга ташхис қўйиш ва касалликларни даволаш бўйича ўз илғор усулларини ва технологияларини ишлаб чиқишига, ҳамда тиббий амалиётга жорий этишга каратилган илмий тадқиқотлар олиб бориш;

е) ўз ихтисослиги бўйича касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг патентланган ўз усуллари ва технологияларини доимий равища тақомиллаштириб бориш, ҳамда уларнинг ҳалқаро миқиёсда эътироф этилишига эришиш;

ж) ўз ихтисослиги бўйича республика мақсадли дастурларини ишлаб чиқища ва амалга оширища фаол иштирок этиш;

з) ўз ихтисослиги бўйича хорижий етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, тўпланган тажриба, ахборотлар, шунингдек, мутахассислар кенг алмашинувини таъминлаш;

и) Марказ худудлардаги фтизиатрия ва пульмонология тизимидағи ташкилотларга, бирламчи даволаш ва бошқа ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотларига ташкилий услубий раҳбарлик қилиш, уларнинг амалиётига тиббий ёрдамнинг замонавий усуллари ва технологияларини жорий этиш, минтақаларда зарур профилактик ишлар ўтказиша кўмаклашиш, сайёр консультациялар, маҳорат дарсларини мунтазам равища ўтказиб бориш;

2.3. Марказ ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги вазифаларни бажаради:

ўз ихтисослиги бўйича ҳозирги замон ҳалқаро талаблари даражасида касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг энг самарали, мураккаб ва юқори технологик усулларига бўлган республика аҳолисининг эҳтиёжини қондиради;

ўз ихтисослиги бўйича кенг тарқалган касалликларга ташхис қўйиш, уларни даволаш ва олдини олишнинг илғор самарали усуллари, ҳамда технологияларини ишлаб чиқади ва жорий этади;

Худудлардаги фтизиатрия тизимидағи ташкилотларга, шунингдек, республика минтақаларида ўз ихтисослиги бўйича маслаҳат-диагностика тиббий ёрдамини кўрсатувчи бошқа шу йўналишдаги муассасаларга (бўлинмаларга) ташкилий-услубий ва илмий амалий ёрдам кўрсатади;

минтақаларга борган ҳолда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатади;

ўз ихтисослиги бўйича ўзининг юқори малакали мутахассислар мактабини шакллантиради ва ривожлантиради;

Марказ ихтисослиги бўйича тиббиёт соҳасидаги илмий тадқиқотларини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигига киритади;

дори воситаларини, тиббиёт буюмларини, шунингдек, ўз ихтисослиги бўйича ташхис қўйиш ва даволаш усулларини клиник синовдан ўтказади;

хориждаги тиббиёт ҳамжамиятига ўзининг илмий ва технологик ютуқларини тақдим этади;

ўз ихтисослиги бўйича ўзининг илмий, ўқув-услубий ва ахборот-маълумотнома материалларини чоп этади;

тиббиёт кадрларини клиник ординатурада, базавий докторантурада, докторнатурада, катта илмий ходим-изланувчилар институтида тайёрлайди, қайта тайёрлайди ва уларнинг малакасини оширади;

Марказнинг тиббиёт кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, чет мамлакатларнинг шу йўналишдаги тиббиёт муассасалари иштирокида қўшма илмий-амалий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали чет эллик мутахассисларни жалб қиласди;

амалий кўнікмаларни мустаҳкамлаган ҳолда назарий билимларни ўзлаштириш асосида тиббиёт таълим муассасаларида шу йўналишдаги мутахассисликлар бўйича таълим сифатини оширишга фаол кўмаклашади.

3. Муассиснинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

3.1. Марказ Муассисга ҳисобот беради ва унга бўйсунади.

3.2. Муассис қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда қуидаги ҳуқуқларга эга:

Марказ фаолиятининг мақсадини, турларини ва йўналишларини белгилаш;

Марказ Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлигига таклиф киритиш;

мехнат муносабатларини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказ директори билан тузилган мехнат шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

Марказни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансларини тасдиқлаш;

Марказ мулкига оид битимларни ҳақиқий эмас деб эътироф этиш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш;

Марказнинг ортиқча, фойдаланилмаётган ёхуд белгиланган мақсадда фойдаланилмаётган мулкини олиб қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

Марказга етказилган заарларни ундириш тўғрисида давлат муассаса раҳбарига нисбатан даъво тақдим этиш;

Муассис қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

3.3. Муассис қуйидагиларга мажбур:

Марказ директорини тайинлаш, меҳнат тўғрисидаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ у билан меҳнат шартномаси тузиш;

бозор қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг минг баравари миқдоридан ошадиган мол-мулкини тасарруф этиш, гаровга қўйиш учун Марказнинг ижро этувчи органига рухсатномалар бериш тўғрисидаги қарорни тегишли равищда Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ёки унинг худудий бошқармаси билан келишиш.

Марказга берилган давлат мулкидан мақсадли фойдаланилишини ва сақланишини, шунингдек унинг бегоналаштирилишини назорат қилиш.

4. Марказнинг хукуқлари ва мажбуриятлари

4.1. Марказ ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги хукуқларга эга:

қонунчилик хужжатларида белгиланган доирада ўзига берилган давлат мулкидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;

ривожлантиришга доир бизнес-режаларни, харажатлар сметаларини мустақил шакллантириш, уларнинг ҳажмларини ва шакллантириш манбааларини, шунингдек, харажатлар йўналишларини белгилаш;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда асосий воситаларни ижарага олиш ёки ижарага бериш, грантларни ва бошқа ёрдамларни жалб қилиш;

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда тиббий ва бошқа хизматларни кўрсатишдан тушган даромадлар доирасида Марказ ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш миқдорларини белгилаш;

мавжуд молиявий ресурслар ва ўз фаолиятидан топилган фойда доирасида асбоб-ускуналар, дори воситалари ва Марказ фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа моддий-техник воситалар харидини амалга ошириш;

ўз ихтисослиги бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан грантлар олиш учун танловларда иштирок этиш;

ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида яратилган интеллектуал мулк обьектларига доир муаллифлик хукуқларини олиш ва улардан фойдаланиш;

чет эллик юридик шахслар билан илмий ва илмий-техник ҳамкорлик қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларига ва халқаро шартномаларига мувофиқ ташқи иқтисодий фаолиятни олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишувга кўра республика минтақаларида филиаллар ташкил этиш;

Марказ қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Марказ қуйидагиларга мажбур:

юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдамга муҳтоҷ бўлган касалларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш сифати ҳамда стандартларнинг ҳозирги

замон халқаро талаблари даражасида сақланишини ва ривожлантирилишини таъминлаш;

ўз ихтисослиги бўйича қуидаги келтирилган шахсларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш:

рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг бўйруклари асосида аниқланадиган имтиёзли тоифага киравчи шахсларга бепул асосда;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларига (бундан ушбу кичик банднинг тўртинчи хатбошида кўрсатилган шахслар мустасно), шунингдек, чет эллик фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга пулли асосда;

худудлардаги фтизиатрия тизимидағи ташкилотларга, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасидаги, вилоятлардаги ва Тошкент шаҳридаги минтақавий бўлинмаларига маслаҳат, услубий ва техник ёрдам кўрсатиш;

ўз ихтисослиги бўйича касалликни олдини олиш, ташхис қўйиш ва даволашнинг янги технологияларини яратиш бўйича илмий тадқиқотларнинг юксак даражада ўтказилишини таъминлаш;

Марказ тиббиёт ходимларининг касбий даражасини, шу жумладан мутахассисларнинг хорижий етакчи тиббиёт таълим муассасаларида ва клиникаларида касалликларга ўз ихтисослиги бўйича ташхис қўйиш ва уларни даволашнинг замонавий усуслари бўйича стажировкаларини ташкил этиш ҳисобига доимий равиша ошириб бориш ва такомиллаштириш;

Марказ ходимларига қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган меҳнатни ташкил этиш шароитларини яратиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш, хавфсизлик техникасини тақдим этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан таъминлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш;

Марказнинг моддий-техника базасини ўз маблағлари ва жалб этиладиган маблағлар ҳисобидан ривожлантириш, ҳамда замонавий тиббиёт техникаси ва технологиялари билан мустаҳкамлаш;

мол-мулқдан аниқ мақсадда фойдаланиш, унинг бутунлигини таъминлаш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисобини, ҳамда ҳисботини юритиш;

Марказда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

5. Марказнинг мол-мулки

5.1. Марказнинг мулки:

муассис томонидан Марказга тезкор бошқариш ҳуқуқи билан биритирилган мулк;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган тарзда орттирилган асосий фонdlар, бошқа моддий бойликлар ва молиявий ресурслар;

Марказнинг ўз фаолиятидан олинган даромадлари;

қонунчиллик ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига шакллантирилади;

Марказ мулкининг қиймати муассасасининг мустақил балансида акс эттирилади.

5.2. Марказда давлат мулкини тезкор бошқариш ҳуқуқи топшириш-қабул қилиб олиш далолатномаси муассаса раҳбари ва муассис томонидан имзоланган вақтдан бошлаб пайдо бўлади.

5.3. Марказ мулки бўлинмас мулк ҳисобланади ва тақсимланиши мумкин эмас.

5.4. Марказ мулкини тасарруф этиш куйидаги ҳолларда муассис билан келишган ҳолда амалга оширилади:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга топшириш;

хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш;

мулкни Марказ фаолияти мақсадларига мувофиқ бўлмаган бошқача тарзда тасарруф этиш.

Бунда бино ва иншоотларни, (шу жумладан, курилиши тугалланмаганларни), сотиш давлат мулкини тасарруф этиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади.

5.5. Марказ доимий фойдаланиш ҳуқуқлари асосида ер участкаларига эгалик қиласи, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз фаолиятининг мақсадларига, мулкдорларнинг топшириқларига ва мол-мulkнинг мақсадга мувофиқ ўзига бириктирилган мол-мулкка эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади, бунда бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлайди.

5.6. Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда вактинча фойдаланмаётган биноларни шартнома асосида ижарага бериш, тушган маблағларни Марказни моддий-техник ривожлантириш учун ишлатиш, шунингдек, асобобускуналарни ва мол-мulkни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансдан чиқариш ҳуқуқига эга.

6. Марказ тузилмаси ва Марказни бошқариш

6.1. Марказ кенгаши Марказнинг юқори бошқарув органи ҳисобланади.

Марказ кенгаши 7 кишидан иборат бўлиб, Марказ директоридан, Марказнинг етакчи тиббиёт ва илмий ходимларидан ташкил топади. Марказ кенгаши фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ваколатли вакиллари иштирок этадилар.

Марказ кенгаши тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ меҳнат жамоаси умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Марказ директори айни бир вақтда Марказ кенгаши раиси ҳисобланади.

6.2. Марказ кенгашининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Марказнинг молиявий-хўжалик ва тиббий фаолиятини бошқариш, шунингдек, Марказ фаолиятининг самардорлигини оширишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш, Марказ инвестиция ва илмий-техник сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш;

йиллик бизнес-режаларни ва молиявий ҳисоботларни тасдиқлаш;

аҳолига пулли асосда кўрсатиладиган тиббий ёрдам турлари нархларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

Марказдаги, шунингдек, унинг филиаллари ва ваколатхоналаридаги муносабатларни тартибга солувчи норматив ҳужжатларни тасдиқлаш;

қолдиқ баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баробаридан ошмаган қийматдаги асосий фонdlарни эскирганлиги ёки яроқлилик муддати ўтганлиги учун қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш масаласини кўриб чиқиш.

6.3. Марказ тузилмаси қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда белгиланади ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

6.4. Марказнинг жорий фаолиятига раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган директор амалга оширади.

6.5. Марказ директори:

Марказ директори давлат муассасасининг якка ижро этувчи юридик шахс ҳисобланади ва Марказ олдига қўйилган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этади, Марказ номидан ўз фаолиятини олиб боради, Марказнинг молия-хўжалик фаолиятига раҳбарлик қиласи, Марказ номидан ишончномасиз фаолият кўрсатади, шу жумладан, унинг манфаатларини ифодалайди, Марказ номидан битимларни ва шартномаларни белгиланган тартибда тузади ва уларнинг ижросини амалга оширади, ходимларни ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномаларини тузади, ўзгартиради ва тўхтатади, буйруқлар чиқаради, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

Марказ ходимларининг штат бўйича сони ва уларнинг иш ҳақи миқдорларини тасдиқлайди;

Марказ директори муассис олдида Марказ уставида белгиланган тартибда Марказ фаолияти тўғрисида ҳисобот беради;

Марказ ва унинг филиаллари ходимлари ишларини ўз ваколатлари доирасида ташкил этади ва бошқаради, Марказ ва унинг филиаллари ходимлари томонидан бажарилиши шарт бўлган буйруқларни чиқаради, Марказ ходимларини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ишга қабул қиласи ва ишдан бўшатади;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирига республика, шаҳар ва вилоятлар миқёсидаги силга қарши кураш муассасалари раҳбарлари лавозимига номзодларни тайинлаш ва лавозимидан озод этиш учун тақдим этади;

Марказнинг директори ўз хуқуқларини амалга оширишда ва вазифаларини бажаришда Марказ манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши керак ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловларнинг, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, меҳнат ҳуқуқлари ва муносабатларидан ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлардан келиб чиқадиган барча талабларнинг

қондирилиши, тиббий хизматни кўрсатиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлган эҳтиёжлар учун пул маблагларининг ўтказилмаганлиги, ўзининг ҳаракати (харакатсизлиги) туфайли, шу жумладан, Марказ мулки йўқолган тақдирда Марказга етказилган заарлар учун қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради;

Марказ фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа масалаларни ҳал қиласди ва Марказ фаолияти учун жавоб беради.

6.6. Марказ директори ўринbosарлари Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири томонидан Марказ директорининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

6.7. Марказда унинг етук илмий ходимларидан ва мутахассислардан иборат Илмий кенгаш ташкил этилади.

6.8. Марказнинг Илмий кенгashi тўғрисидаги Низом ва унинг шахсий таркиби Марказ директори томонидан тасдиқланади.

6.9. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Марказнинг ахолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам ташкиллаштириш бўйича фаолиятини назорат қиласди.

7. Марказ фаолиятини молиялаштириш

7.1. Марказ фаолияти:

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблаглари;

Марказнинг ўз даромадлари;

грантлар ва хайрия ёрдами;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар хисобидан молиялаштирилади.

7.2. Марказнинг ўз даромадлари қуидагилар хисобига шакллантирилади:

ахолига пулли тиббий хизматлар кўрсатиш;

Марказнинг илмий ва ўкув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг шу йўналишдаги мутахассисларини тайёрлаш;

илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

қонунчилик хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбаалар.

7.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари қуидаги мақсадларга ажратилади:

қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда аниқланадиган имтиёзли тоифага кирувчи беморларга бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича Марказ томонидан кўрсатиладиган хизматларга ҳақ тўлаш;

ахолига имтиёзли тарифлар бўйича айрим турдаги юқори технологик (қиммат турадиган) тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хизматларга ҳақ тўлаш. Уларнинг рўйхати ва тўланадиган ҳақ фоизи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишилган ҳолда аниқланади. Ахолига имтиёзли тарифлар бўйича

кўрсатиладиган айрим турдаги технологик (қиммат турадиган) тиббий хизматлар рўйхати ва тўланадиган ҳақ фоизи заруратга қараб, бироқ уч йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади;

Марказни соғлиқни сақлашни ривожлантиришга доир давлат дастурлари ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар йиллик инвестиция дастурлари доирасида замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ва техникалари билан жиҳозлаш;

Марказни мукаммал таъмирлаш, қайта қуриш;

илмий-тадқиқот фаолияти учун грантлар шаклида.

7.4. Марказга аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ хизматларга ҳақ тўлаш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг аниқ миқдори Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказ томонидан “Соғлиқни сақлаш” соҳасига ҳар йили бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида тегишли юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам олишга бўлган эҳтиёжга қараб аниқланади.

7.5. Марказ фаолиятини молиялаштириш аралаш шаклда амалга оширилади. Бунда:

Марказ таркибидаги лаборатория ҳамда Туберкулёз стратегиясини аниқлаш, эпидемиология, мониторинг ва дорилар менежменти бўлимини сақлаш билан боғлиқ харажатлар смета асосида Соғлиқни сақлаш вазирлигига ажратилган бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилади;

Марказ томонидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга йўлланма асосида кўрсатилган тиббий хизматлар сарф-харажатлари базавий нархлар доирасида Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали белгиланган тартибда қоплаб берилади.

7.6. Марказ ходимлари сони, уларнинг иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдори бажарилаётган ишларнинг мураккаблиги, сифати ва ҳажмига қараб Марказ директори томонидан мустақил тасдиқланади.

7.7. Марказ тиббий хизматлар кўрсатишдан ва бошқа хизматлардан тушган даромадлар доирасида мустақил равиша:

Марказ даромадлари ва харажатлари сметасини ишлаб чиқади ҳамда тасдиқлайди;

Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда штат жадвалини тасдиқлайди ва лавозим маошининг базавий миқдоридан келиб чиқиб, лавозим маошларини, шунингдек, миқдори чекланмайдиган устама ва қўшимча ҳақларни белгилайди.

7.8. Марказ хўжалик фаолиятидан тушган даромадларни мустақил равиша тасарруф этади. Марказнинг ўз молиявий-хўжалик фаолияти натижасида олган фойдаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Марказ ихтиёрида қолади ҳамда белгиланган тартибда:

Марказнинг моддий-техник базасини янгилаш, модернизациялаш ва кегайтириш, замонавий тибиёт техникасини, инвентарь ва асбоб-ускуналарни харид қилиш;

Марказ ходимларини моддий рағбатлантириш;

айланма маблағларни тўлдириш;

Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

маҳсулот ва хизматларни реклама қилиш;

Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадлар учун фойдаланилади.

Бунда Марказ ушбу бандда кўрсатилган харажатларнинг устуворлик тартибини, йўналишларини ва нисбатини ўзи белгилайди.

7.9. Марказ ўз ихтиёрида қоладиган соф фойда ҳисобига муассаса уставида назарда тутилган тартибда ва муассис томонидан тасдиқланадиган микдорларда захира фонди ва бошқа фондларни ташкил этиши мумкин.

8. Ҳисобга олиш ва ҳисобот

8.1. Марказ қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботини юритади, уларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигига тақдим этади, ҳужжатларнинг бутлиги ва келишилган рўйхатга мувофиқ давлатга сақлаш учун топшириш учун жавоб беради.

8.2. Марказнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва текшириш молия органлари, давлат солиқ хизмати органлари, бошқа давлат органлари томонидан уларнинг ўз ваколатлари доирасида, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган тартибда аудитор ташкилотлари томонидан улар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

9. Марказнинг филиаллари ва ваколатхоналари

9.1. Марказ муассис билан келишув бўйича, қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

10. Марказнинг жавобгарлиги

10.1. Марказ ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради.

10.2. Марказ муассиснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

11. Марказ фаолиятини назорат қилиш

11.1. Марказ ҳисобот даври тугагач ваколатли органларга молиявий ҳисботни ва рўйхати қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳужжатларни тақдим этади ҳамда ҳужжатларнинг сақланиши ва уларнинг белгиланган тартибда давлат томонидан сақлашга берилиши учун жавоб беради.

11.2. Марказ фаолиятини хўжалик юритувчи орган сифатида назорат қилиш қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда муассис ва бошқа ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

12. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш

12.1. Марказни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонунчилек хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 21- февралдаги 37-
сонли буйруғига
4 илова

**Туберкулез касаллигининг ривожланишига мойиллиги бўлган
0-18 ёшли болалардан иборат бўлган хавфли гуруҳ жадвали**

I ГУРУХ	II ГУРУХ	III ГУРУХ	IV ГУРУХ
ТУБЕРКУЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИ БЎЙИЧА ХАВФ ГУРУХИ	СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД БОЛАЛАР	ОИВ- ИНФЕКЦИЯСИ МАВЖУД БОЛАЛАР	ИЖТИМОЙ МУХОФАЗАГА МУХТОЖ БОЛАЛАР
1. Туберкулезнинг барча турлари билан касалланган bemорлар билан мулоқатда бўлган 0-18 ёшгача болалар 2. Туберкулёз касаллигини ўтказган ва соғайғанлиги туфайли диспансер назоратидан чиқарилган болалар 3. БЦЖ билан эмланмаган ва БЦЖ чандиғи йўқ болалар.	0-18 ёшгача барча тизим ва аъзолар сурункали касалликлари мавжуд бўлган болалар (хатлов бўйича 3-4 гуруҳлар)	0-18 ёшгача ОИВ-инфекцияси мавжуд бўлган болалар, иммуносуппресия даражасидан қатъий назар.	1. Махсус мактаб-интернатлари, мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари, болалар уйлари, оиласвий болалар уйлари ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари. 2. ижтимоий ҳимояга муҳтож оиласлардаги болалар (аёллар дафтари, темир дафтари)

Ўзбекистон Республикаси
соғликни саклаш вазирининг
2023 йил 21-февралдаги 37- сонли
буйруғига
5-илюва

18 ёшдан юқори бўлган аҳоли орасида туберкулез касаллигининг ривожланишига мойиллиги бўлган шахслардан иборат бўлган хавфли гурух жадвали

I ГУРУХ	II ГУРУХ	III ГУРУХ	IV ГУРУХ
ТУБЕРКУЛЁЗ ИНФЕКЦИЯСИ БҮЙЧА ХАВФ ГУРУХИ	СУРУНКАЛИ КАСАЛЛИКЛАРИ МАВЖУД ШАХСЛАР	ОИВ-ИНФЕКЦИЯСИ МАВЖУД	ИЖТИМОЙИ МУҲОФАЗАГА МУХТОЖ ШАХСЛАР

Туберкулезнинг барча турлари билан касалланган беморлар билан мулоқотда бўлганлар

-ўпканинг носпецифик касалликлари билан касалланган беморлар;

-қандли диабет касаллиги билан касалланган беморлар;

-ошқозон ва 12 б.итак яраси билан касалланганлар ва ушбу касаллик билан жарроҳлик амалиёти ўтказилганлар;

-кортикостероидлар, цитостатик ва нур билан даволанаётган беморлар;

-рухий касалликлар билан касалланган беморлар;

-наркология диспансерида кузатилаётган шахслар;

-мигрантлар;

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 21- февралдаги 37- сонли
буйруғига
6 илова

**“Бронхиал астма билан касалланган беморлар мактаби” ва “Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморлар мактаби”
саломатлик мактаблари фаолияти ҳақидаги
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом “Бронхиал астма билан касалланган беморлар мактаби” ва “Сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморлар мактаби” саломатлик мактаблари кабинети фаолиятини ташкиллаштириш тартибини белгилайди (кейинги ўринларда – Кабинет).

2. Кабинет туман тиббиёт муассасаларининг таркибий бўлинмаси сифатида тузилади ва Марказий туман(шаҳар) кўп тармоқли поликлиникаларда ахолига “Пульмонология” ихтисослиги бўйича бирламчи тиббий-санитария ва ихтисослашган ёрдам кўрсатади.

3. Кабинетда шифокор-пульмонолог ёки ўқитилган хамшира ёрдамида беморларни зарурӣ билимларга ўқитиш амалга оширилади.

4. Кабинетнинг тузилиши ва штат миқдори¹ таркибида тузилган тиббиёт муассасасининг хизмат кўрсатаётган аҳолиси сони, амалга ошираётган иш ҳажми ва эҳтиёжидан келиб чиқкан ҳолда тиббиёт муассасасининг раҳбари томонидан белгиланади².

5. Кабинетнинг жиҳозланиши “Пульмонология” ихтисослиги бўйича ахолига тиббий ёрдам кўрсатиш тартибини белгиловчи буйруқда тасдиқланган иловада кўзда тутилган жиҳозлаш стандартларига мувофиқ олиб борилади.

6. Кабинетнинг асосий мақсади:

- беморларни ўз соғлиғига нисбатан фаол ва рационал ёндошувни шакллантириш;

- соғломлашиш ва даволаш тартибини сақлашга бўлган мойилликни ошириш;

- беморларда ўз-ўзига ёрдам ва ўз-ўзини назорат қилиш билим ҳамда кўникмаларини ривожлантириш;

- беморнинг соғлиғи олдидағи жавобгарлилик ҳиссини ошириш;

- бронхиал астма ва сурункали обструктив ўпка касаллиги билан касалланган беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш;

- тиббиёт муассасалари ва беморнинг даволашга бўлган харажатларини камайтириш.

7. Кабинетнинг асосий вазифалари:

- сурункали бронх-ўпка касалликлари билан касалланган, респиратор касалликларга тез-тез чалинадиган, ҳамда кундузги ортиқча уйқучанлик синдроми ва тунги хуррак отиш симптомлари мавжуд бўлган беморларга

консультатив, ташхислаш ва информацион-тарбиявий тиббий ёрдамини кўрсатиш;

- пульмонологик беморларни даволанишга бўлган мойиллигини оширишга ва руҳий-ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган тиббий реабилитацияни ўтказиш;

- пульмонологик касалликлар ривожланишининг бирламчи профилактикаси, професионал йўналганлик ва қайта йўналтириш ёндошувларини шакллантириш, касалликларнинг асоратлари ва оғир кечишини иккиламчи профилактика қилиш тадбирларини ўтказиш;

- bemor ва уларнинг қариндошларига пульмонологик касалликларни даволаш, ташхислаш ва олдини олишнинг янги усулларини, шунингдек ўз соғлигини ўзи назорат қилишга, жисмоний юклама ва нафас гимнастикаси реабилитацион ёндашувларига ўргатиш;

- тамакига қарамликни енгишга қаратилган маҳорат дарсларини тузиш ва ўтказиш.

¹ фуқаровий-хукукий шартномалар асосида штат таркибига психолог ва нарколог мутахассисларини киритиш

² респиратор реабилитация кабинети шифокор-пульмонологининг юклама нормаси: ўпка касалликлари билан касалланган bemorлар учун маҳорат дарслари учун 60 дакика

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 21- февралдаги 37- сонли
буйруғига
7 илова

**“Бронхиал астма билан касалланган беморлар мактаби” ва “Сурункали обструктив
ўпка касаллиги билан касалланган беморлар мактаби”
саломатлик мактабларини жиҳозлаш
СТАНДАРТИ**

№	Жиҳозлар номланиши	Зарур бўлган жиҳозлар сони, дона
1.	Стул	12
2.	Стол	5
3.	Мутахассис учун кресло	1
4.	Маркерли доска (маркерлар тўплами билан)	1
5.	Тумбочка	2
6.	Кийимлар учун шкаф	1
7.	Хужжатлар учун шкаф	1
8.	Пикфлюуметр	12
9.	Бўй ўлчагич	1
10.	Ерда турувчи торози	1
11.	Сантиметрли лента	1
12.	Мавзулар бўйича шакллантирилган ўқитиш дастурлари	3
13.	Мавзу бўйича видео ва кўргазмали (намойиш этувчи) ускуналар	1
14.	Компьютер ва принтер	1
15.	Дориларни ингаляцион юбориш системалари комплектлари	2
16.	Уй шароитида узоқ вақт кислородтерапия учун ускуна	1
17.	Пульсоксиметр	1
18.	Нафас чиқаришда ҳаводаги углерод оксидини миқдорини ўлчаш воситаси	1
19.	Нафас чиқаришда ҳаводаги азод оксидини миқдорини ўлчаш воситаси	1

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 21- февралдаги 37- сонли
бўйруғига
8 илова

**Бирламчи тиббий ёрдам тизимида ўпка патологиясининг клиниколди
шаклларини эрта аниқлаш учун скрининг сўровномалар
ДАСТУРИ**

**Ўпканинг сурункали обструктив касалликларини клиник олди белгиларини эрта
аниқлаш учун қўлланиладиган
СЎРОВНОМАСИ**

Ф.И.Ш: _____
Ёши: _____ Жинси: _____

Адреси ва телефон рақами: _____

№	Савол	Жавоблар вариантлари	Бал
1.	Ёшингиз	40-49 ёш 50-59 ёш 60-69 ёш 70 ва ундан юқори	0 4 8 10
2.	Одатда кунига қанча сигарет чекасиз? (Агар сиз чекишни ташлаган бўлсангиз, кунига қанча чекар эдингиз?) Жами қанча чекасиз? Кути - кун = сигаретлар сони / 20 Кути - йил = кути-кун x чекиш стажи	0-14 қути-ёш 15-24 қути-ёш 25-49 қути-ёш 50 ва ундан юқори	0 2 3 7
3.	Сизнинг вазнингиз <i>кгда</i> ? Сизнинг бўйингиз баландлиги метрда? БМИ = вазн <i>кгда</i> / (бўй баландилиги m^2)	<25,4 25,4-29,7 $\gt 29,7$	6 1 0
4.	Ёмон об-ҳаво шароити Сизни йўталтирадими?	Ҳа Йўқ Йўтал йўқ	3 0 0
5.	Балғамли йўтал шамоллашдан ташқари Сизни безовта қиласдими?	Ҳа Йўқ	3 0
6.	Сизни эрталабки балғам ажралиши билан кечадиган йўтал безовта қиласдими?	Ҳа Йўқ	3 0

7.	Қанчалик тез-тез хансираш Сизни безовта қиласы?	Хеч қачон Баъзан ёки ҳар доим	0 4
8.	Сизда аллергия борми ёки кузатилғанми?	Ҳа Йүқ	0 3

Бүй баландлиги

Вазн

Кетле Индекси

Бўлиши керак бўлган % дан жадал нафас чиқариш
ҳажми

Нафас олаётганда нафасни ушлаб туриш

Нафас чиқаришда нафасни ушлаб туриш

Балларни талқин қилиши:

17 ёки ундан ортиқ баллда СЎОК ташхиси эҳтимол;

16 ёки ундан кам балл бошқа касалликларни, шу жумладан астмани ҳисобга олиши керак.

**Бронхиал астма касаллигини клиник олди белгиларини эрта аниқлаш учун
күлланиладиган
СҮРОВНОМА**

Ф.И.Ш: _____
 Ёши: _____ Жинси: _____

Адреси ва телефон рақами: _____

1	Сизда тўсатдан кучли ёки такорий йўтал, кўкрак қафасида хириллашлар (нафас чиқаришда баланд ҳуштак товушлари) кузатилганми?	Ха _____ Йўқ _____
2	Сизда "кўкрагингиздан пастга тушувчи" ёки 10 кундан ортиқ давом этган шамоллаш бўлганми?	Ха _____ Йўқ _____
3	Маълум бир мавсум ёки йил фаслида йўтал, кўкрак қафасидаги хириллаш ва нафас қисилиши сизни безовта қилдими?	Ха _____ Йўқ _____
4	Сизда йўтал, кўкрагингизда хириллаш, маълум жойларда ёки баъзи нарсалар билан алоқа қилганда (масалан, ҳайвонлар, тамаки тутуни, атиrlар) нафас қисиши кузатилганми?	Ха _____ Йўқ _____
5	Нафас олишни энгиллаштирадиган бирон бир дори қабул қилдингизми? Қанчалик тез?	Ха _____ Йўқ _____
6	Ушбу дориларни қабул қилгандан кейин симптомлар яхшиландими?	Ха _____ Йўқ _____
7	Сизда йўтал, кўкрагингизда хириллаш ёки нафас қисиши борми?	Ха _____ Йўқ _____
-	кечки пайт уйку вақтида безовта қиладиган	Ха _____ Йўқ _____
-	эрта тонгда безовта қиладиган	Ха _____ Йўқ _____
-	югуриш, ўртача жисмоний машқлар ёки бошқа жисмоний фаолиятдан кейин	Ха _____ Йўқ _____
8	Сизда пневмония, бронхит, грипп, ўткир респираторли инфекциялар бўлганми? Қачон, қандай муолажа бўлган ва натижаси қандай бўлган?	Ха _____ Йўқ _____
9	Юқори нафас йўлларининг яллиғланиш ёки бошқа касалликлари (синусит, фронтал синусит, тонзиллит, ринит, девиацияланган септум, бурун бўшлиғи полиплари ва паранасал синуслар) Сизда бўлганми? Улар нафас олишнинг нокулайлиги билан боғлиқми?	Ха _____ Йўқ _____
10	Нафас олишда ноқулайликни қачон бошдан кечирдингиз?	_____

	<ul style="list-style-type: none"> - бу узок вақт (бир неча кун ёки ундан күпроқ) давом этган нафас олиш бузилишлари ёки хуружлар бўлганми? - сони қанча бўлган, қачон ва қаерда даволангансиз? - Сизга шифокор томонидан Сизда бронхиал астма борлиги ҳеч ҳам айтилганми? 	Ха ____ Йўқ ____
11	Сизда ўпкадан ташқари аллергик касалликлар мавжудми (аллергик ринит, крапивница, вазомотор тери шиши, анафилактик реакциялар)?	Ха ____ Йўқ ____
12	Сизнинг яқин қариндошларингиздан бирортаси астма ёки бошқа аллергик касалликлардан азият чекадими?	Ха ____ Йўқ ____
13	Қон текшируви пайтида қонингизда эозинофиллар даражаси кўтарилилганми?	Ха ____ Йўқ ____

Бўй баландлиги _____

Вазн _____

Кетле Индекси _____

Бўлиши керак бўлган % дан жадал нафас чиқариш
ҳажми _____

Нафас олаётганда нафасни ушлаб туриш _____

Нафас чиқаришда нафасни ушлаб туриш _____

Бронхиал астма ташхис _____

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг
2023 йил 21- февралдаги 37-сонли
буйруғига
9 илова

**Туберкулёз билан касалланиш хавф гурухига мансуб шахслар (ўсмирлар
ва катталар) рентгенологик текширувдан ҳамда болалар иммунологик
текширувдан ўтказиш
ТАРТИБИ**

1. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси ўзига бириктирилган аҳоли орасида туберкулёз касаллигининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик тиббий кўрикларни ташкиллаштиришга ва ўтказилишига асосий маъсул ташкилот ҳисобланади. Махсус мактаб-интернатлари, мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари, болалар уйлари, оиласвий болалар уйлари ва ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг тиббий кўриклари шу муассаса жойлашган худудларда фаолият кўрсатаётган соғлиқни сақлаш тизимидағи тиббиёт муассасаси томонидан амалга оширилади.

2. Туберкулёз касаллигини олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик тиббий кўрикларнинг йиллик режаси туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан тасдиқланади ва барча профилактик тадбирлар белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Туберкулёз касаллигининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик тиббий кўриклар оиласвий шифокор, фтизиатр, педиатр, пульмонолог мутахассислари иштирокида қўйида келтирилган лаборатория ташхислаш усувлари билан амалга оширилади:

1-14 ёшгача бўлган болаларда иммунодиагностика (туберкулин ва диаскин синамалари) усуварини ўтказиш;

15-17 ёшгача бўлган болаларда рентген флюорографик текширувлар ўтказиш;

катталарда рентген флюорографик текширувлар ўтказиш.

4. Туберкулёз касаллигининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик тиббий кўриклар туман марказий поликлиникасининг оиласвий шифокор, педиатр ва бошқа тор соҳа мутахассислари томонидан тақдим этилган ва туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари томонидан тасдиқданган хавфли гурухга кирувчи аҳоли рўйхати ва йиллик режа асосида (1 йилда бир марта) амалга оширилади.

5. Рўйхатда шахсларнинг фамилияси, исми ва шарифи, туғилган йили, ташкиллаштириладиган тиббий кўрикларнинг манзили ва ўтказилиш вақти, қўлланиладиган ташхислаш усуллари тўғрисида маълумотлар белгиланади.

6. Профилактик тиббий кўрикларда охирги 6 ой давомида амалга оширилган ташхислаш усулларининг натижалари инобатга олинади.

7. Оиласвий шифокор ўзига бириктирилган аҳолига ўтказиладиган профилактик тиббий кўрикларнинг аҳамияти, ўтказилиш вақтлари тўғрисидаги маълумотларни етказади ва ўзига бириктирилган худуд бўйича ўтказиладиган профилактик кўрикларга маъсул ҳисобланади.

8. Туберкулёз касаллигини олдини олиш мақсадида ўтказилган профилактик тиббий кўриклар хulosаси таҳлил қилинади ва патологик жараён аниқланган шахсларга нисбатан фтизиатр мутахассислари иштирокида қўшимча ташхислаш ва соғломлаштириш тадбирлар режаси 2 календар кунда тузилади ва ушбу режа асосида йил давомида соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилади.

Профилактик тиббий кўрикларнинг ўтказилиш муддатлари

№	Хавф гуруҳига мансуб аҳоли табақалари	Ўтказилиш муддатлари
0-18 ёшдаги болалар ўртасида		
<i>Туберкулёз инфекцияси бўйича хавф гуруҳи</i>		
1	- туберкулезнинг барча турлари билан касалланган bemорлар билан мулоқатда бўлган 0-18 ёшгача болалар; - туберкулёз касаллигини ўтказган ва соғайганлиги туфайли диспансер назоратидан чиқарилган болалар; - БЦЖ билан эмланмаган ва БЦЖ чандиги йўқ болалар.	1 йилда 1 маротаба
<i>Сурункали касалликлари мавжуд болалар</i>		
2	0-18 ёшгача барча тизим ва аъзолар сурункали касалликлари мавжуд бўлган болалар (хатлов бўйича 3-4 гуруҳлар).	1 йилда 1 маротаба
<i>ОИВ-инфекцияси мавжуд болалар</i>		
3	0-18 ёшгача ОИВ-инфекцияси мавжуд бўлган болалар, иммуносупрессия даражасидан қатъий назар.	1 йилда 1 маротаба
<i>Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ болалар</i>		
4	- маҳсус мактаб-интернатлари, мурувват уйлари, меҳрибонлик уйлари, болалар уйлари, оиласвий болалар уйлари ва	1 йилда 1 маротаба

	ихтисослаштирилган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари; - ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалардаги болалар (аёллар дафтари, темир дафтари).	
18 ёшдан юқори бўлган катталар ўртасида		
<i>Туберкулёз инфекцияси бўйича хавф гуруҳи</i>		
5	туберкулезнинг барча турлари билан касалланган bemорлар билан мулоқотда бўлганлар шахслар.	1 йилда 1 маротаба
<i>Сурункали касалликлари мавжуд катталар</i>		
6	- ўпканинг носпецифик касалликлари билан касалланган bemорлар; - қандли диабет касаллиги билан касалланган bemорлар; - ошқозон ва 12 бармоқ ичак яраси билан касалланганлар ва ушбу касаллик билан жарроҳлик амалиёти ўтказилган шахслар; - кортикостероидлар, цитостатик ва нур билан даволанаётган bemорлар; - руҳий касалликлар билан касалланган bemорлар; - наркология диспансерида кузатилаётган шахслар; - мигрантлар.	1 йилда 1 маротаба
<i>ОИВ-инфекцияси мавжуд катталар</i>		
7	ОИВ-инфекцияси мавжуд бўлган шахслар, иммуносупрессия даражасидан қатъий назар	1 йилда 1 маротаба
<i>Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ катталар</i>		
8	- ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалардаги шахслар (аёллар дафтари, темир дафтари); - жазони ижро этиш жойларидан озод қилинган шахслар.	1 йилда 1 маротаба